



ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume I, Issue-8, (August) 2024
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

ХОМИДОВ Воҳиджон Адхамович
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштириш тартиби, уларни ривожланиш тарихи, ижтимоий зарурати, далилларни расмийлаштириш тартиби, бу борадаги олимларнинг қарашлари каби масалалар ўрганилган. Шунингдек мақолада ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришдаги муаммолар ҳамда уларга ечимлар юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: далил, терговчи, суриштирувчи, прокурор, суд.

ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ В ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ ПО ДЕЛУ

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются такие вопросы, как порядок процессуального оформления доказательств в досудебном производстве по делу, история их развития, социальная необходимость, порядок оформления доказательств, мнения ученых на этот счет. В статье также выдвигаются проблемы процессуального оформления доказательств в досудебном производстве по делу, а также предложения по их решению.

Ключевые слова: доказательства, следователь, дознаватель, прокурор, суд.

THE PROCEDURAL SIGNIFICANCE OF EVIDENCE IN PRE-TRIAL PROCEEDINGS

ANNOTATION

This article examines such issues as the procedure for the procedural registration of evidence in pre-trial proceedings, the history of their development, social necessity, the procedure for the registration of evidence, the opinions of scientists on this matter. The article also puts forward the problems of procedural registration of evidence in pre-trial proceedings in the case, as well as proposals for their solution.

Keywords: evidence, investigator, investigator, prosecutor, court.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, энг аввало, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини янада кучайтириш мақсадини кўзлаётганлиги шубҳасиздир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони [1] да давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш белгиланди.

Бу эса, ўз навбатида, жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган масъул мансабдор шахслардан ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ фаолиятида янада масъулиятини оширишни талаб этади.

Жиноят иши бўйича далилларни процессуал расмийлаштириш тартиби қонунда баён этилган бўлса-да, лекин далилларни расмийлаштириш масаласи кенгрок мазмунга эга. Кўпчиликка маълумки, муайян даврдаги жамиятга хос хусусиятлар ўша давр ва жамиятдаги барча тизимлар (институтлар)да ўз ифодасини топади. Шу боис далилларни процессуал расмийлаштиришнинг мазмун-моҳияти, ривожланиш тарихи ва бугунги кунда мазкур институтнинг ҳуқуқий тартибга солинганлик ҳолатига батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят процессининг замонавий моҳияти тарихий шароит, жумладан, этник, маданий, диний, иқтисодий ва бошқа омиллар таъсири остида шаклланган ҳамда жиноят ишлари бўйича иш юритиш, далилларни тўплаш ва процессуал расмийлаштиришга доир масалаларни қандай ҳал этиш лозимлиги ҳақидаги турли тасаввурлардан пайдо бўлган. Буларнинг барчаси процессуал фаолият шакллариининг хилма-хил бўлишига олиб келган.

Республикамиз худудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими эрамининг VII-VIII асрига қадар – одат ҳуқуқи [2] ҳамда зардуштийлик динининг асосий манбаси «Авесто» китоби асосида [3] шу даврдан то чор Россияси босқинига қадар эса одат нормалари ва ислом динининг қарашлари сингдирилган шариат қоидалари билан тартибга солинган [4].

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» – Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари қадимий маданиятининг бебаҳо тарихий ёдгорлиги бўлиб, у жаҳон тарихига диний, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқа дунёқараш тасаввурларини англашнинг битмас-туганмас манбаи сифатида кирган. Ушбу нодир тарихий-ҳуқуқий ёдгорлик қадимги замонлардаги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар ҳақида, одамларнинг ҳуқуқий онги даражаси, мулкӣ, оила-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий нормалар, жиноят ва жазо, суд ва суд амалиёти масалалари тўғрисида кенг маълумот беради [5].

Демак, зардуштийликда бирор-бир шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик суд томонидан кўриб чиқилиш жараёнида унинг ўз айбини тан олиши ёки унинг айбдорлиги ҳолатлари гувоҳларнинг кўрсатувлари орқали исботланган. Гувоҳнинг бевосита судда кўрсатув бериши, ўз навбатида, далилларни расмийлаштиришнинг муайян шакли сифатида намоён бўлган.

Ўзбекистон тарихий ривожланиш жараёнида жиноят процессининг уч босқичини босиб ўтган. Ўрта асрларда Шарқда жиноят процесси ислом ҳуқуқига асосланган ҳолда амалга оширилган [6].

Судлов жараёни бу даврда ўзининг оддийлиги билан ажралиб турган, яъни ёзма тарзда иш юритилмаган, суд мажлиси томонларнинг оғзаки тортишуви асосида муҳокама қилиниб, қози (судья)нинг қарори биринчи мажлисидаёқ чиқарилган [7].

Бундай турдаги судлов ишларини кўришнинг яна бир ўзига хослиги ҳимоячи иштирок этмаган. Қозининг диний ҳуқуқ, яъни Қуръони карим, ҳадислар, қиёс ва ижмога суяниб ҳукм чиқариши расм бўлган [8], бунда маҳаллий урф-одатлар ҳисобга олинмаган. Қози шахсий муносабатига ёки ўзигагина маълум фактларга асосланиши мумкин бўлмаган [9].

Фикҳ (арабча билим, тушуниш маъноларини англатади, бугунги кунда фикҳ деганда ислом ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ўрганувчи ислом таълимотининг бир соҳаси тушунилади) [10] далилларнинг қуйидаги уч тоифасини тан олади ва шахснинг айби 3 та далил тури билан мустаҳкамланган, яъни иқроор – айбини бўйнига олиш; шухуд – гувоҳларнинг кўрсатувлари; ямин – қасамёд.

Россияда бўлиб ўтган 1917 йилги тўнтаришдан сўнг суд соҳасида бир қатор қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, аммо қозилик ва бийлик судлари томонидан шариат ва одат нормаларининг қўлланилишига чекловлар ўрнатилмаган.

Ўзбекистон ҳудудида амал қилган 1922 йилдаги РСФСР Жиноят-процессуал кодексида, 1923 йилдаги РСФСР Жиноят-процессуал кодексида ҳамда собиқ иттифоқ таркибига кирган Ўзбекистоннинг 1926 йилда қабул қилинган биринчи Жиноят-процессуал кодексида айнан далиллар ва баённомаларга ажратилган алоҳида боблар мавжуд бўлиб, булар «Далиллар ҳақида» ва «Баённомалар ҳақида» деб номланган. Уларда гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосалари, ашёвий далиллар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари, ёзма ҳужжатлар, айбланувчининг тушунтиришлари судда далил сифатида фойдаланилиши, далилларни сақлаш билан боғлиқ масалалар, шу билан бирга, тергов ҳаракатлари жараёни ва натижаларини ўзига олган баённомаларни расмийлаштиришда акс эттирилиши лозим бўлган ҳолатлар, баённомаларга қўйиладиган талаблар ва бошқалар ўрин олган.

Собиқ иттифоқ таркибига кирган Ўзбекистоннинг 1929 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексида ҳам далиллар ва уларни расмийлаштириш билан боғлиқ алоҳида боб ажратилган бўлса-да, лекин мазкур кодексда юқорида келтириб ўтилган кодекслардан фарқли ўлароқ далилларга бағишланган боб «Далилларни тўплаш» деб номланган.

Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган кодексларда баённомаларга алоҳида боблар ажратилган бўлса-да, ушбу кодексда бундай боб акс этмаган. Ундаги «Далилларни тўплаш» деб номланган бобда далилларни тўплаш, айнан қандай маълумотлар далил сифатида эътироф этилиши, процесс иштирокчиларини сўроқ қилиш, олиб қўйиш ва тинтув, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, ушбу тергов ҳаракатларини ўтказишнинг процессуал тартиби, ашёвий далиллар, уларни сақлаш ва ишга қўйиш билан боғлиқ масалалар ва бошқалар ўз аксини топган, лекин исботлаш жараёнини амалга оширишда далилларни расмийлаштириш билан боғлиқ, яъни тегишли баённомаларни тузиш ва ушбу баённомаларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистоннинг 1959 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексида юқорида кўрсатиб ўтилган кодексларга нисбатан ривожлантирилган ҳолда далилларни тўплаш, баҳолаш, расмийлаштириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар қайд этилган. Ушбу кодекснинг 3-боби айнан «Жиноят иши бўйича далиллар» деб номланиб, унда жиноят иши бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар, далиллар, уларни тўплаш, баҳолаш, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ҳамда айбланувчиларнинг кўрсатувлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар доираси, ашёвий далиллар, уларни сақлаш тартиби ва муддатлари, иш ҳолатларини тасдиқловчи баённомалар, ҳужжатлар, эксперт хулосалари ва бошқалар қайд этилган.

Ўзбекистоннинг мазкур кодексда 1929 йилда қабул қилинган кодексдан фарқли ўлароқ, далилларни тўплаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларга кўпроқ эътибор қаратилганлиги яққол кўзга ташланади. Бу эса мамлакатимизнинг тарихий ривожланиш шароитида жиноят-процессуал қонунчилик такомиллашиб борганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган Жиноят-процессуал кодексда мустақилликка қадар амал қилган ЖПКлардан фарқли равишда «Исбот қилишнинг умумий шартлари» деб номланган алоҳида боб ажратилган. Унда исбот қилиш, исбот қилиш иштирокчилари, далилларни тўплаш, исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш, далилларни баённомада қайд этиш, далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар, баённомага иловалар, далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш, баённомага имзо чекишдан бош тортиш ёки имзо чека олмаслик ҳолларини тасдиқлаш, далилларни текшириш, далилларга баҳо бериш каби моддалар ўз аксини топди.

Мустақиллик даврида давлатнинг янгича жинойи-ҳуқуқий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган суд-ҳуқуқ ислохотлари, бутун дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини қатъий таъминлашга қаратилган жараёнлар жадаллашгани таъсирида исбот қилишнинг умумий шартлари такомиллашуви кузатилмоқда .

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида суд-тергов амалиётида далилларни процессуал жиҳатдан мазмунли, тўғри ва қонуний тарзда расмийлаштиришга доир эътибор янада кучайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сон Фармонида номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан; дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан; мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт ҳулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланиши белгилаб берилган.

Бундан ташқари, ушбу фармонда белгиланган вазифалардан яна бири бу суд-тергов ҳаракатларини юритишнинг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишдир . Бу эса масъул органлар фаолиятида далилларни аниқлаш, тўплаш ва далилларни процессуал расмийлаштириш усулларини такомиллаштириш ҳамда бу борада илмий-тадқиқот олиб борилиши заруриятини келтириб чиқаради.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-470-сон Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексига 95¹-моддасининг киритилиши далилларнинг мақбул эмаслиги масаласи ҳуқуқий жиҳатдан ечимини топа олди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4939467>
2. Исҳоқов С.А. «Ҳидоя»нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2003. – № 2. – Б. 56
3. Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 66.
4. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Т.: Фан, 1974. – С. 5; Рахмонов А. Шариатда инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ-Право-Law. – 1999. – № 3. – Б. 79.
5. Авесто: Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқад Маҳкам таржимаси. – Т.: «Шарқ», 2013. – Б. 106.
6. Исломов Б. Жиноят-судлов юритувида суд мустақиллигининг тарихий ривожланиши масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2007. – № 2. – Б. 65.
7. Караулов Н.А. Основы мусульманского права: Сборник материалов для описания местностей и племен Кавказа. – Вып. 40. – Тифлис, 1909. – С. 543-547; Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. – М., 1986. – С. 215-228.
8. Исҳоқов С.А. Мусулмон ҳуқуқи: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 41-51.
9. Ражабова М. Шариатда қозини тайинлаш тартиби // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол. – Т., 2009. – Б. 37-38.
10. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т., Адолат, 2010. – Б. 483; Исҳоқов С.А. Фикҳ – мусулмон ҳуқуқшунослигининг шаклланиши // Ҳуқуқ-Право-Law. – Т., 1999. – №3. – Б. 83